

Бир бор экан, бир йўк экан, ўтган замонда бир подшоҳ бор экан. Лекин унинг фарзанди йўк экан.

Кунлардан бир кун ўйлаб, хафа бўлиб ўтирса, ўнг кўл вазири сўрабди:

— Э подшоҳи олам, нега хафасиз? Давлатингиз бор. Хамма фукаро сизнинг ихтиёрингизда бўлгандан кейин, бунча хафагарчиликнинг нима кераги бор?

— Мен шунча давлат-салтанатга эга бўлсаму, — дебди подшоҳ, — хизматимга шунча одамлар тайёр турса-ю, дунёдан фарзандсиз ўтсам, мен хафа бўлмай ким хафа бўлсин? Фарзанд бўлмагандан кейин бу подшоҳлик ва давлатнинг нима кераги бор?

Ўзининг бефарзандлигини эслаб, вазир хам ох тортибди. Подшоҳга ахволини баён қилибди. Иккаласи хафа бўлиб, йиглаб, бир уйга кириб дардлашиб ётибди. Сўнгра иккиси бефарзанд бўлиб дунёда юргандан кўра давлат ва иззат-икромдан кечиб, бош олиб кетишни ортиқроқ кўрибди. Подшоҳ билан вазир бутун мол-дунёнинг бахридан ўтиб, шаҳардан чиқиб кетишибди. Йўл юра-юра улар охири бир бокка етишибди. Аммо унга киришга илож бўлмабди. Богда гуллар очилган, кўм-кўк майсалар ёйилган, булбуллар, турли кушлар сайраган. Райхон, жамбил ва бошқа хушбўй гиёҳлар гуркираб тураркан. Сувлар сепилган. Супада гиламлар ёзилган, кўрпачалар солинган, ёстиклар кўйилган эмиш. Бу бог жуда чиройли экан, кўрган одамнинг бахри-дили очилиб, гам-хасрати, кайгу-аламлари кетар экан. Бог ичи жимжит, ҳеч ким йўк экан.

Икковлари бокка кирибдилар ва хайрон бўлиб, бир-бирига қараб ўтирибдилар. Богнинг бир бурчагидан бир чол чиқиб келибди:

— Ха, болаларим, нима қилиб ўтирибсизлар? — деб сўрабди.

Булар дархол ўринларидан туриб, салом берибдилар. Подшоҳ билан вазир бир-бирларига қараб кўйишибди ва бефарзанд эканликлари, шу сабабдан хафа бўлиб, мол-дунёдан кечиб, шу жойга келганликларини гапирибдилар.

Чол буларнинг сўзини обдон тинглабди. Кейин кўйнидан иккита кизил олма чиқариб, бирини подшоҳга, бирини вазирга узатиб, бундай дебди:

— Болаларим, бу олмаларни олиб бориб севган хотинингиз билан бахам кўринглар, ўз ишларингиздан қолманглар, фукарога жабр-зулм қилмай, юртни обод сакланглар.

Кейин уларга бир шарт қўйибди.

— Мен олмани сизларга шу шарт билан бердимки, қайси бирингизнинг хотинингиз ўғил тугса, отини Тохир қўйинг, қайси бирингизнинг хотинингиз киз тугса, отини Зухра қўйинг. Аммо уларни бир-биридан ажратманг. Катта бўлиб вояга етганда қудра бўлинглар, эсдан чиқарманглар, — деб келган томонга қараб кетибди. Подшоҳ вазирга, вазир подшоҳга қарабди. Улар ўйлашиб кейин:

— Кани, чолнинг айтганини хам қилайликчи, биздан нима кетди, — дейишиб, орқага қайтишибди.

Яна подшоҳ билан вазир юрт сўрашда давом этишибди.

Кундан кун, ойдан ой ўтиб, вазирнинг хотини ўғил, подшоҳнинг хотини киз тугибди. Подшоҳ билан вазир овга чиқиб кетишган экан. Дархол суюнчига одам борибди, у подшоҳга:

— Суюнчи беринг, хотинингиз киз тугди, — дебди, сўнгра вазирга қараб:

— Суюнчи бериинг, сизнинг хотинингиз ўғил тугди, — дебди.

Хотини киз туккани учун подшоҳ газабланиб, хабарчига буюрибди:

— Бор, ўша кизни ўлдириб, қонига мана шу рўмолчани бўяб келтир! — деб, бир оқ

рўмолчани берибди-да, кейин кизнинг ўлдирилган, ўлдирилмаганини сўрамабди.

Вазир бўлса суюниб от чоптириб кетибди. Йўлда кетаётганида оти тошга кокилибди-ю, мункиб кетибди, вазир отидан йикилиб, тил тортмай ўлибди. Бу ёмон қора кунларга қолган бечора хотин йиги-сиги қилиб, ота юзини кўрмай қолган етимчани яхшилаб тарбиялашга киришибди. Кундан-кун, ойдан-ой, йилдан-йил ўтибди. Гўдақлар йўлга кирибди. Кунлардан бир кун подшоҳ тахтида ўтирган экан, кўчада ўйнаб юрган Тохирга кўзи тушиб, ёнидаги вазиридан:

— Бу кимнинг боласи? — деб сўрабди.

— Эй подшоҳи олам, султони боқарам, бу бола аввалги вазирингизнинг ўғли Тохир бўлади. Сизнинг ҳам кизингиз ўлмаганда, шундай бўлиб қолар эди, — дебди вазир.

Подшоҳ каттик қайгурибди ва пешонасига уриб йиглабди. Шунда вазир дарҳол ўрнидан туриб подшоҳ хотинларидан бирини чакириб сўрабди:

— Подшоҳнинг кизи тирикми?

— Подшоҳим билмасинлар. Кизчалари йўртмачок бўлиб қолган, билдирганимиз йўқ хали, — дебди хотин. Вазир югуриб келиб:

— Эй, подшоҳи олам, султони боқарам, бир қошиқ қонимдан кечинг, сизга бир суюнчилик хабар айтаман, — дебди.

Подшоҳ ёшга тўлган кўзлари билан вазирга қараб:

— Айт, кечирдим, — дебди. Вазир:

— Йигламанг, подшоҳим, кизингиз ҳаёт экан, — дебди. Подшоҳ суюниб:

— Олиб келинг қошимга! Тезроқ келтиринг, ҳаялламанг! — дебди.

Кизни олиб келиб, подшоҳга кўрсатишибди.

Подшоҳ суюниб, кизини кўлига олиб бағрига босибди, қувонганидан яна йиглаб юборибди. Сўнгра қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди.

Кизни яхшилаб тарбиялай бошлабдилар. Тохир ва Зухра кўпинча бирга ўйнаб юрар эканлар.

Кунлардан бир кун Тохир ёнгоқ ўйнаб юрганда, отган ёнгоғи ип йигириб ўтирган бир кампирнинг чарҳига тегибди. Кампирнинг аччиги келиб, Тохирни қаргабди:

— Э шум етимча! Мен билан ўйнашгунча, бориб Зухра билан ўйнаш.

Тохир бу сўзларни эшитгач, югуриб келиб кампирнинг кўлидан ушлабди

— Бувижон, Зухрани гапирдингиз. Тагин бир қайтариб айтинг, жон буви!

— Кўйвор кўлимни, айтаман!

— Айтинг бувижон, айтинг!

— Бу сўзларни ойингдан сўра.

— Онам айтмайди, сиз айтинг бувижон, — деб кампирнинг қўлларини каттик қисиб сўрабди Тохир.

Кампир гап ўргатибди:

— Уйингга бориб, ойингга йигла. Нон берса олма, ош берса ема. Онанг сени қаргаб уришади. Ҳеч нарсага қарамасдан йиглайвер. «Нима қилай, нима қилиб берай?» деб еўраганда: «Кўгирмоч қилиб беринг», дегин. Кўгирмочни қосада берса олма, чўмичда берса олма, қапгирда берса олма. «Нимада берай?» деса, «Ховучингда бер» дегин-да, ховучида берганида кўлини маҳкам қисиб, «менга унашилган киз ким, шуни айтиб бергин», дегин. Шунда айтиб беради.

Тохир уйга югуриб келиб, кампир ўргатган гапларни айтиб, ойисини кўп ҳафа қилибди. Ахири ойиси кўгирмочни ховучида берибди. Тохир ойисининг кўгирмоч ушлаган ховучини қисиб:

— Менга унаштирилган ким? Ростини айтиб бер, — дебди.

Ойиси:

— Куриб кетгур етимча! Сенга ким ўргатди буни? Вой вой, кўлим куйди, — деб ўглини каргабди.

— Айт, ойи айт! Айтмасанг кўймайман, — дебди Тохир.

— Кўйиб юбор, айтаман, айтиб бўлмаса ҳам айтаман, — дебди онаси.

Она бечора хафа бўлиб: «Энди яширганим билан фойда йўк, майли айта қолай», деб эри билан подшоҳнинг куда бўлишга ваъда қилганини, вазирнинг ўғил кўрганидан суюниб, йўлда кетаётганида отдан йикилиб ўлганигача бўлиб ўтган воқеаларни ўглига сўзлаб берибди ва:

— Сен етимчасан, барибир подшоҳ сенга кизини бермайди. Зухра — подшоҳ кизи, сен бир етимча камбагалсан, — дебди.

Тохир:

— Майли, ойижон, бўлди, мен шуни билсам, бас, — деб кўчага чикиб кетибди.

Кунлардан бир куни мактабда Тохир билан Зухра сўзлашиб, кулишиб, китоб ўқимай, домлани кийнабдилар. Домла келиб бу воқеани подшоҳга айтибди:

— Подшоҳи олам, сизга арзим шукн, кизингиз Зухрани Тохир ўқитгани кўймайди.

Шунда подшоҳ газаблаиб:

— Тохирни бўлак жойга ўтказинг, агар унга кўнмаса, ўртадан девор уриб кўйинг, — дебди.

Иккисининг ўртасига девор олибдилар. Сал вақтдан сўнг девор бузилиб, иккови тагин гаплашиб ўтирадиган бўлибди. Улар катта бўлиб вояга етибди. Иккови ҳам бир-бирини кўрмаса, туролмас экан.

Уламолар: «Подшоҳ Тохирни йўқ қилсин», дебдилар.

Буни подшоҳга айтибдилар. Подшоҳ газаб билан усталарни чакириб уларга бундай дебди:

— Катта бир сандик ясанглар. Тохирни оқизаман! Бу гапни Зухра эшитиб, бир лаган тиллани усталарга олиб бориб:

— Шу тиллани олинглар, сандик шундай пухта бўлсинки, ичига сув ўтмасин, токи бечора етимча борган жойида кун кўрсин, — деб зор-зор йиглабди.

Усталарнинг Зухрага раҳми келиб:

— Эй малика, агар сандик сиз айтгандан ортик бўлмаса, берган тиллангизни кайтиб олинг, — дебдилар.

Бир куни Тохир билан Зухра иккиси хасратлашиб турганларида айгокчилардан бири кўриб қолиб, подшоҳга айтибди.

Дархол подшоҳ Тохирни зиндонга солишга буюрибди. Тохирни зиндонга солибдилар.

Кунлардан бир кун сандик тайёр бўлганини подшоҳга айтибдилар. Буни Зухра эшитиб, сандикни кўриб келибди. Сандик Зухра айтгандан ҳам ортик экан. Подшоҳ жарчи куйиб бутун халкни катта майдонга йигибди. Халк Тохирни сувга оқизмасликни талаб қилибди. Бирок подшоҳ халкнинг талабига кулок солмабди, ўз айтганини қилибди.

Тохирни оқизиш пайти етибди, дарё лаби халк билан тўлиб-тошибди. Тохирнинг онаси гам-хасрат билан дарс бўйига зўрга етиб бориб ўглини кўриб: «Ёнида жон берсам қошки эди», деб йиглайвериб хушидан кетибди. Халкнинг газаби қайнабди. «Подшоҳ бир кизи учун бечора етимчани бунчалик қийнаб, азоблагунча, бир жойга юборсин, подшоҳ ҳам Тохирнинг онаси қаби қон-қон йигласин. Ана зулм! Ана ноинсофлик! Бир киз учун шунча одамни йигиб, бир йигитни сувга оқизиш жаллодликдир!»

Шу пайт жарчи жар чакириб:

— Хозир Тохирни олиб келадилар! —дебди.

Хамма одам Тохир йўлига термилиб турар экан. Тохирнинг онаси бечора ўглини кўришга зор бўлиб, бошини тошу тупрокка уриб:

— Кани менинг бегунох ўглим, уни бир кўрай, — деб фарёд килар экан.

Тохирнинг кўлларини оркасига боглаб, онаси олдига келтирибдилар. Она бечора зор-зор йиглаб, боласини багрига босиб туриб, ўлиб қолибди. Майдонга йигилган халк жим бўлиб қолибди. Бир оздан кейин кимлар йиглаган, кимлар бакирган холда Тохирни олиб бориб сандикка солибдилар. Тохир сандик ичида Зухра билан хайрлашиб, шу газални айтибди:

Т о х и р

Мен кетаман кўриб кол,
Аргамчини ушлаб кол.
Согинганда йигларсан,
Корам ўчмай, караб кол.

З у х р а

Сув келар гулдур-гулдур,
Суйганим кизил гулдир,
Суйганимга бермаса,
Ўлганим ўша кундир.

Т о х и р

Сув келар ахта-ахта,
Сандигим темир тахта.
Сендан бошка ёр килсам,
Кон ютай лахта-лахта.

З у х р а

Сув келар тош устида,
Рўмолим кош устида.
Тохир эсимга тушса,
Йиглайман ош устида.

Т о х и р

Сув келар инжудайин,
Кўпириб тошган сайин.
Сендан ўзга ёр десам,
Ханжарга санчилайин.

Сўнгра Тохир Зухра билан хайрлашиб, окиб кетибди. Хамма халк гамгинлик билан шахарга кайтибди. Зухра Тохирдан айрилиб колибди.

Тохир сувда окиб-окиб олти ой деганда Хоразмга борибди. Хоразм шохининг икки кизи бўлиб, булар хар жума кун дарё лабига канизлари билан чикар эканлар.

Подшоҳ кизлари дарё лабида ўтиришса, бир сандик окиб келаверибди: «Ким ушлаб олади? Нима киламиз?» дейишибди.

Бири: «Окиб келаётган нарсани ким ушлаб олса, у нарса ўшаники», дебди.

Сандик якинлашибди. Катта киз сочини солибди, сандик унга илашмабди. Кичиги сочини солибди, сандик унга илашиб, якин келибди. Кизлар сандикни дарё лабига тортиб чикарибдилар. Энди опа-сингил орасида жанжал бошланибди. Узок жанжалдан кейин, ахири бир маслахатга келишибди. Каттаси: «Сандикни мен оламан», дебди, кичкинаси: «Сандик ичидан нима чикса, шуни мен оламан», дебди.

Сандикни очибдилар. Сандик ичида бир йигит ўтирган эмиш, дунёда унинг тенги йўқ эмиш. Сочи коп-кора, жингалак-жингалак. Кошлари коп-кора, кўзлари шахло, кадди-комати келишган экан.

Кизлар узок жанжаллашибди. Кичик киз туриб:

— Нимага жанжал киласиз? Сандик ичида нима бўлса уни мен оламан, деган эдим. Бу маники бўлади, ҳеч кимга бермайман, — дебди.

Подшоҳга хабар килибдилар. Подшоҳ одамлари билан келиб кўрса, чиройли бир йигит эмиш. Подшоҳ кичик кизининг айтганини килиш учун Тохир розилик бермаса ҳам, қирк кечаю қирк кундуз тўй-томоша килибди. Кизнинг чиройи ҳам Зухранинг чиройидан қолишмас экан.

Лекин Тохир Зухрага берган ваъдасини эслаб, кизга гапирмас, кизнинг саволига жавоб ҳам бермас экан.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин Тохир:

— Мен бугун дарё лабига чикаман, отангизга айтинг, — дебди.

Киз ўзида йўқ севиниб, югуриб янгасининг олдига чикиб. «Куёвингиз гапирдилар, суюнчи беринг, суюнчи! Отамга айтинглар куёвлари дарё лабига чикармиш», дебди.

Подшоҳ бу хабарни эшитиб жуда сўюнибди, дарё лабига тездан сайл чакиртирибди. Бутун шахар халки дарё лабига чикибди. Сайлгоҳ ўртасидан куёвга жой килибдилар.

Подшоҳ жарчи кўйдирибди:

— Кимки куёвининг кулганини кўриб, ё эшитиб менга хабар берса, бошидан зар тўкам! — дебди. Ўзи ҳам келибди.

Энди сўзни Зухрадан эшитинг.

Зухра Тохирдан ажралгандан кейин кечаю кундуз ох тортиб, гам-хасрат чекаверибди. Уни золим отаси Коработир деган подшоҳваччага берибди. Киз гам-мотам ичида колибди.

Кунлардан бир кун Зухра туш кўрса, Тохир билан богда юрган эмиш. Ох уриб ўрнидан турибди. Ахири, нима киларини билмай бир лаган тилла кўтариб, карвонсаройга

борибди; карвонбошига тиллани бериб:

— Бир одам бўлсин, бутун дунёни ахтариб, Тохирнинг бор-йўклигини менга билдирсин,
— дебди.

Карвонбоши тиллани олиб Тохирни ахтаргани йўлга чикибди. У Тохирни жуда кўп ахтарибди, одамлар орасида Тохирга багишлаб газаллар айтса ҳам уни тополмабди. Карвонбоши Зухра олдидан чикканига кирк кун бўлди деганда, Тохир чиккан сайилгоҳга етиб келибди ва дарё лабидаги бир баландликда кишилар тўпланганини, уларнинг ўртасида бир йигитнинг ўтирганини кўрибди.

— Шу жойда ҳам бир газал айтай, зора Тохир шу ерда бўлса, — деб бир газал айтибди:

Мен келдим карвон бўлиб,
Карвонга сорбон бўлиб.
Тохиржонни йўкотиб,
Юрибман хайрон бўлиб.

Бу газални эшитиб, Тохир ках-ках уриб кулиб юборибди. Уни пойлаб юрган одамлар подшоҳга суюнчига югуриб кетибдилар. Бошқалар эса хайрон бўлиб қолибди. Тохир карвонбошига караб бир газал айтибди:

Э туя минган йигит,
Оркангга караб кетгин.
Хали айтган байтингни,
Тагин бир айтиб ўтгин.

Карвонбоши:
Тохир деган санмисан,
Зухрани танирмисан?
Зухрадан келса хабар
Ўрнингдан турармисан?

Тохир «Зухра» деган сўзни эшитиш биланок, югуриб бориб карвонбоши минган туянинг бўйнига осилибди ва:

— Мени олиб кет, мен кетаман, бориб Зухрамни бир кўрай, — деб ёлворибди.

Карвонбоши сўз бошлаб:

— Зухра эрга тегиб, уйда тинч ўтирибди, энди ундан фойда йўк. Бу ерда шунча вақт турдинг, уйлангандирсан. Мен ёлғиз сенинг бор-йўқлигингни билиб кетгани келдим, —

дебди.

Шунда Тохир:

— Йўк, кетаман, олиб кет мени, ўлсам ҳам ўша жойда ўлай, — деб яна ёлворибди.

Карвонбоши шунча насихат килса ҳам, Тохир унамабди, карвонбошига:

— Бу ерда подшоҳнинг кизини мен розилик бермасам ҳам зўр билан бердилар. Бугун кирк кундирки, хали ҳам кизга бир огиз гап айтганим йўк, юзига ҳам караганим йўк, — дебди. Карвонбоши Тохирга:

— Э нодон, кетма, шу хотининг билан кун кўриб ўтавер, Зухрадан сенга ҳеч фойда йўк, — дебди.

Тохир унамабди.

— Бўлмаса бор, умид билан бир ёстикка бош кўйганинг билан хайр-маъзур килиб чик, — дебди карвонбоши.

Тохир хотини олдига югуриб келибди, киз ясаниб ўтирган экан. Унга караб бир газал айтибди:

Эй подшоҳнинг кизи,
Хурматим баланд сизга.
Зухрадан келди хабар,
Жавоб берингиз бизга.

Х а д и ч а

Сув келар сузукмиди,
Кўлимда узукмиди?
Узокдаги Зухраҳон
Бизданам тузукмиди?!

Т о х и р

Сув келар сузуккина,
Кўлимда узуккина.
Узокдаги Зухраҳон
Сиздан ҳам сулуккина —

деб, Хадича билан хайрлашиб, чикиб кетибди. Келин бечора йиглаганича қолибди. Тохир югуриб бориб, карвонга етибди, туяга мингашиб, йўлга равона бўлибди. Карвон юриб-юриб бир жойга келибди. Бу жойда уч йўл бор экан. Бири — «борса келмас», бири — «борса хатар», яна бири — «борса келар» экан. Карвонбоши кайси йўлга юришни билмай, ўйлаб қолибди.

Тохир:

— Хатарли бўлса ҳам шунга юрамиз, майли, Зухра қошига тезроқ борайлик, — дебди. Шу билан улар хатарли йўлга юриб кетибдилар. Юриб-юриб бир жойга етибдилар. Бу жой карокчилар макони экан.

Карокчилар бу бечораларнинг туяларини олиб, ўзларини зиндонга солибдилар.

Тохир зиндонда йиглаб-йиглаб: «кел-э, зора шу жойда бир таниш бўлса, бизни бўшатиб юборса», деб бир газал айтибди:

Юрсам йўлим узундир,
Кеча менга кундуздир.
Бизни кўйинг, жон беклар,
Зухра унда ёлгиздир.

Тохирнинг ҳаммактаб ўртоқларидан бири шу ерда экан, у Тохирга:

— Ха, Тахир, халиям Зухранинг кўйида куйлаб юрибсанми-а? — дебди. Кейин зиндонбонни чакириб, унга бир ховуч тилла бериб:

— Буни кўйиб юборинглар, бу ўзи куйган кул, буни куйдириб нима киласизлар, — дебди. Шу билан Тохирни ва у билан келаётганларни зиндондан бўшатиб юбордилар. Булар бир неча кун чўл-биёбонларни кезишибди. Зухра дардида юрак-багри эзилиб юрган Тохир сахар вақтида Зухра ётган уй тагига етиб келибди. Бу пайтда Зухра ширин уйкуда экан.

Тохир газал ўкиб, Зухрани уйготибди. Зухра Тохирни кўриши билан югура келиб кўришибди. Сўнгра икковлари яширинча бокка кириб кетибдилар. Бу воқеадан Коработирнинг синглиси хабардор бўлиб турган экан.

Коработир келганда Зухра уйда йўқ экан, у синглисидан: «Зухра қаерга кетди?» деб сўрабди. Синглиси жавоб берибди:

— Бугун сахарда Тохир келди, янгам у билан бокка кириб кетган. Коработир бу гапни эшитиб газабланибди ва подшоҳга бориб Зухрани чакибди. Подшоҳ тезда Тохирни тутдириб келиб камабди. Уламоларнинг берган маслаҳати билан подшоҳ:

«Тохирни икки нимта килиб дарвозага осаман! Уни ўлдирмасам, кизимни кўймас экан», дебди.

Шу гапдан сўнг подшоҳ яна жарчи кўйиб, шаҳар халқини чакиртирибди. Майдонга катта-кичик, хотин-халаж йигилибди. Зухра билан Тохирнинг қариндош-уруғлари ҳам келишибди. Халқ орасида шивир-шивир гаплар тарқабди. Одамлардан бири:

— Тохир нима учун қайтиб келган экан? — деб сўрабди иккинчи бир одамдан. Униси айтибди:

— Тохирни бу ерга келтирган нарса унинг Зухрага бўлган мухаббатидир. Шунинг учун бечора йигитни ўлдириш керакми, қонхўр подшоҳга минг лаънат!

Жаллодлар Тохирнинг кўзларини боғлаб, майдон ўртасига олиб келиб, қиличларини қайрабдилар.

Зухра бечора эса золим отасига ёлворибди. Отаси кулоқ солмабди. Зухра ўз севганини жаллод олдида кўриб, хушидан кетиб йикилибди. Жаллод ўткир қиличини хавода ярқиратиб, зарб билан Тохир танасини иккига бўлиб ташлабди, сўнг дарвозага осибди.

Хамма ёкни одамларнинг дод-фарёди, йигиси босиб кетибди. Тохирнинг холаси каттик ох тортиб, подшоҳга караб шу газални айтибди:

Конхўр жаллод кўлида,
Тилла килич кайралди.
Тилла килич дамлари
Кора конга бўялди.
Бу хаво хавомиди?
Кор-ёмгир ёгармиди!
Киз учун йигит ўлмок
Шахрингда давомиди?

Шундан сўнг Зухра бошини кўтариб, бир газал айтибди:

Катор-катор туялар
Каторлашиб ўтдилар.
Хон отамиз даврида
Тохир гўштин сотдилар.
Тохир гўшти гўшт эмас,
Кўй гўштига ўхшамас.
Тохиржонни ўлдирган.
Бу дунёда яшамас.

— Буни кўминглар! — деб буйрук килибди подшоҳ. Одамлар Тохирни икки нимта килиб дарвозага осилган жойидан дархол олиб, гўрга кўмибдилар.

Зухра севикли ёри Тохирнинг таъзиясини бажо келтириш учун кора кийиб, кирк кунгача мотам тутибди.

Зухра: «Бугун Тохирнинг ўлганига кирк кун бўлди, отам менга жавоб берсин, кизлар билан бориб, кабрини кўриб келайин», дебди.

Отаси кўп кийинлик билан рухсат берибди. Зухра икки чўнтагига марварид тўлдириб, кўлига ошпичок олиб, Тохир кўмилган кабристонга жўнабди. Кирк каниз уни кузатиб борибди. Йўлда Зухра канизларига караб бир газал ўкибди:

Кизлар, тез югурайлик,
Тохиржонга етайлик.
Тохиржонга етганда,

Марваридлар сочайлик, —

деб чўнтагидан марварид олиб сочиб юборибди. Кизлар марваридга овора бўлиб ўша ерда қолибди. Зухра эса кабрга етмок учун шошилибди.

Марварид сочиш, газал айтиш то кабристонга боргунча уч-тўрт марта кайтарилибди. Ахирида кабристонга якинлашганда Зухра бор марваридини сочиб, ўзи югурганича илгари кетибди. Кизлар оркада қолибди.

Зухра Тохиржон кабрига етибди.

Бошидан паранжисини иргитиб ташлаб, ошпичок билан пешонасига бир уриб: «Очил, гўр!» дебди.

Гўр очилибди. Зухра, гўр ичида гул каби очилиб, кош-кўзлари мавж уриб ётган Тохирнинг кучогига отилибди. Гўр ёпилибди.

Кизлар марваридни териб юриб, Зухрани йўқотиб кўйишибди. Бирок Зухранинг паранжиси, кавуши ва бир конли ошпичок ерда ётган экан. Кизлар хар томонга югуриб Зухрани чакиришибди, ҳеч ким товуш бермабди. Бу воқеа шаҳарга таркалибди. Подшок ва Коработир, унинг синглиси ва Тохирнинг холаси мазорга келишибди. Тохирнинг гўрига қарабдилар. Зухранинг соч пилиги гўрга қисилиб қолганини кўриб, гўрни очибдилар. Карасалар, икки ошиқ-маъшук кизил гулдек кизариб, кош-кўзлари сузилиб, ёнма-ён ётишган эмиш. Уларни кўрган киши ширин уйқуда ётибди деб ҳаёл қилар экан.

Бу ҳолни кўрган Коработир: «Зухрадан ажралиб мен нима қилай», деб ўзини шу жойда ўлдирибди. Коработирни Тохир билан Зухранинг ўртасига кўйибдилар, золим Коработир икки ошиқ-маъшукни ўлганида ҳам тинч қўймабди. Тохир устидан кизил гул, Зухра устидан оқ гул, улар ўртасида ётган Коработир устидан эса қора тикан ўсиб чиқибди. Гуллар ўсиб, тиканлар ҳам баланд кўтарилиб, бир-бири билан чирмашиб кетибди.